

**Саййид Бурҳониддин  
ибн Мавлоно**

# **ЎҚИНГ, КУЛИНГ ВА ТАФАККУР ҚИЛИНГ**

*(Насриддин Афанди латифаларига  
ҳикматомуз шарҳлар –1)*

*Таржимон ва изоҳлар муаллифи*  
**Абдумурод Тилавов**

**«Sano-standart»  
Тошкент – 2020**

УДК 821.512.133-36:801.73  
КБК 82.3(5Ў)  
Ў 97

**Саййид Бурҳониддин ибн Мавлоно.**

Ўқинг, кулинг ва тафаккур қилинг / Насриддин Афанди латифаларига ҳикматомуз шарҳлар – 1. Таржима ва изоҳлар муаллифи: А.Тилавов. – Тошкент: «Sano-standart», 2020. – 96 бет

**Сўз боши муаллифи:**

Абдумурод Тилавов.

*филология фанлари номзоди*

**Такризчи:**

Шомирза Турдимов,

*филология фанлари доктори*

**Мухаррир:**

Абдулла Улугов,

*филология фанлари номзоди*

Қадрли ўқувчи! Ушбу китобдаги латифалар ва уларга битилган шарҳ, изоҳ ва ибратлар тафаккур оламингиз янада кенгайишига ёрдам беради. Ўқинг, кулинг ва тафаккур қилинг, азизлар!

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети «Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор» кафедраси йиғилишида нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-6119-3-1

© «Sano-standart», 2020

## НАСРИДДИН АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ «ЛАТИФА»МИ?

Ўзбекистон Миллий университетида ўқиб юрган чоғимизда давлатлараро шартнома доирасида Туркия жумҳуриятининг Кония шаҳрига бордим...

Кунларнинг бирида мезбон талабалар билан Насриддин Афанди ҳақида суҳбатлашаётганимизда улар Афандининг қабри Кониядан 40–45 чақирим узоқликдаги Оқшаҳар шаҳрида эканини айтиб қолишди...

Ўша куни шивалаб ёмғир ёғаётган бўлса-да қизиқишимиз устун келиб, мен, Улугбек Ҳамдам, Музаффар Солижон ва Вали Нишон Оқшаҳарга қараб йўл олдик. Мўлжалланган манзилга борсак, у жойдаги «қабр»нинг уч томони йўғон темир панжаралар билан ўралиб, бир томони очик, каттакон қулф ҳам илинганини кўриб ажабланиб қолдик.

Беихтиёр кулгингиз кистайди. Машҳур саёҳатчи ва шоир Сулаймон Чалабий «Саёҳатнома»сида бу хусусда шундай воқеани ҳикоя қилади:

«Ким Насриддин Хўжа (*Афанди*) қабрини зиёрат қилса, латифалардаги баъзи лавҳалар хаёлига келади ва у, албатта, кулади, деган миш-мишларни эшитган эдим. Чиндан ҳам шундаймикин, дея йўлнинг чап томонидаги қабристонга кириб Насриддин Афандининг қабри олдига от билан бордим.

– Ассалому алайкум эй аҳли қабр! – деган эдим, Хўжа Насриддин мақбараси ичидан:



– Ва алайкум ассалом, эй жони хумом (*ҳимматли, сахий*)! – деган овоз келди. Шунда отим хуркиб кетиб, икки олд оёгини баланд кўтарган эди, орқа оёгининг бири бир қабрга тушиб кетди... Кейин қабр ичидан биров:

– Оға! Садақангизни бериб, йўлингизга равона бўлинг, бу ёққа келинг! – дея овоз берди. Бу овоз берган киши турбадор (*қабристон қоровули*) экан.

– Ҳой, қанақа одамсан? Мен аҳли кубур (*қабр ичидагилар*)га салом бердим! Сен улардан эмассан-ку? Нега саломимга алик олдинг? – дея унга бир неча ақча садақа бердим.

– Бор, Аллоҳ ёрдамчинг бўлсин, – дея дуо этди...

Ростини айтсам, ўшанда бу холдан ҳеч кўркмадим, чўчимадим. Аксинча кула-кула у ердан узоқлашдим...».

Оташзода Меҳмед Иззат Пошо эса Насриддин Афанди ҳақида ушбу манзумани ёзган:

Раҳмат этсин руҳи Насриддинга Ҳақ,  
Бўлди биздан бу дуога мустаҳик,  
Ҳар сўзи шойистайи такдийрдир,  
Ҳар румузи қобили таҳсийндир.  
Ўйламаки, аблаҳ эди ул хурдадан,  
Ҳар сўзи бир нукта айларди баён.  
Ҳам кулиб ҳам ёзиш тушди Иззатга,  
Эрди уч юз ўн саккизда ғоятга.

*(Ҳақ таоло Насриддин Афандига раҳмати ила муомала этсин, бизнинг бу дуомизни олишга ҳақли бўлди.*

*Ҳар сўзида таҳсинга лойиқ ҳикматли ва нозик маънолар бор.*

*Румуз (рамзлар, ишоралар) ила сўзлаган ҳар сўзи шарҳланиши лозим (Шарҳланса, маъноси янада аён бўлади).*

*Уни аблаҳ, аҳмоқ одам деб ўйлама, у ҳар инжаликни фаҳмлайдиган инсон, ҳар сўзида бир нукта (донолик) бор.*

*У ҳақда гапирар эканман, ҳам беихтиёр куляпман, ҳам ушбу манзумани ёзмоқдаман. У ҳижрий 318 йилда раҳматли бўлди.*

Қўлингиздаги китобнинг матн ва шарҳ қисмини ҳозирги турк тилига мувофиқлаштириб, нашрга тайёрлаган тадқиқотчи Ситқи Чобаннинг таъкидлашича эса 318 йил Насриддин Афандининг вафоти санаси бўлиши мумкин эмас. Бунда ёзув хатоси бор ёки вазн тақозоси билан хатога йўл қўйилган.

Асар муаллифи Саййид Бурҳониддин ибн Мавлоно Мавлавий турк мумтоз адабиёти намоёндаларидан бири бўлиб, унинг ушбу китобида жамланган латифалардаги рамзлар, тасаввуфий маъно ва ҳикматлар диққатимизни тортди. Чунки шорих(шарҳловчи)нинг айрим шарҳларини ўқиб, «Ола-а-а!...», «Йўғе-е!» дегингиз келади. Аммо хулоса чиқаришга шошилмайлик. Яхшиси, бу китобни ўқийлик ва кулиб туриб, ўйлайлик.

Аслияти насх хатида ёзилган, эллик саҳифалик ушбу асарни машҳур хаттот Усмон Ҳамди кўчирган. Тадқиқотчи Файзи Ҳалижи эса унинг асл тилини сақлаган ҳолда, ҳозирги туркчага ўгирган ва 1994 йили Анқарада «Шоир Бурҳониддиннинг Хўжа Насриддин латифаларини шарҳ этган асари» деб номлаб, нашр эттирган.

Асарнинг ўзбекча нашрига айрим изоҳлар ва қўшимча шарҳлар илова қилишни лозим топдик.

Латифа матни ва шарҳ – Саййид Бурҳониддин Мавлонога, «Изоҳ ва ибрат», «Ҳикмат», «Ҳикоят» ва мақол қисмлари эса бизга тегишлидир.



Насриддин Афанди латифаларини ўзига хос услубдаги таҳлил ва талқинига доир ушбу тадқиқот ***ПЗ-20170927147 – «Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи»*** номли илмий-амалий лойиҳа доирасида амалга оширилди.

Ушбу китоб ўқувчиларимиз, хусусан, «Ўзбек фольклори» фанини ўрганаётган талабаларимизда маънавиятимизнинг таркибий қисми бўлган фольклор асарларини шунчаки эмас, балки маъносини тушуниб, англаб ва шарҳлаб ўқишига ёрдам беради, деб умид қиламиз.

*Абдумурод Тилавов,  
филология фанлари номзоди*

**Саййид Бурхониддин  
ибн Мавлоно**

# **ЎҚИНГ, КУЛИНГ ВА ТАФАККУР ҚИЛИНГ**

Нашр учун масъул: А.Тилавов  
Мухаррир: А.Абдужалилов  
Техник муҳаррир: Ю.Ўринов  
Саҳифаловчи: Г. Азамова

Наш.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теришга 27.01.2020 йилда топширилди. Босишга  
06.03.2020 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16.  
Офсет босма. РТ Serif гарнитураси. Шартли б.т. 5,81.  
Нашр б.т. 6,25. Адади 5000 нусха. Буюртма №17.  
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95